
ТОМОРҚА – КОНИ ФОЙДА ундан самарали фойдаланиш бугунги кун талаби

Аҳоли фаровонлигини, бозорларимизда тўкин-сочинликни, арзончиликни таъминлашда томорқанинг аҳамияти ғоят катта ҳисобланади. Яқинда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектр йиғилишида томорқадан самарали фойдаланиш, бу борада катта натижаларни кўлга киритаётган, юқори ҳосил ва даромад олаётган омилкор инсонлар тажрибасини ўрганиш, томорқа майдонларига бозорбоп экинлар экилишини ташкил қилиш, бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, 2-3 марта ҳосил етиштириш, хонадонларда ихчам иссиқхоналар қуриш бўйича долзарб вазифалар белгиланди. Бугун Тошлоқ туманидаги қай бир хонадонга кирманг, аҳолининг томорқа юмушлари билан банд эканлигига гувоҳ бўласиз. Заркент маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам томорқадан оқилона фойдаланиш ҳадисини олишган. Бу ҳудудда асосан помидор, бодринг, саримсоқпиез, карам, картошка сингари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади.http://t.me/toshloq_axborot_xizmati

2020-04-17 19:29:20